ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

# 482 «Пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари ҳамда пенсионерлар йиғмажилдини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 17 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1710-1***

***(2011 йил 27 ноябрдан кучга киради)***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ–4161-сон «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 559-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1251-сон «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 562-модда) мувофиқ **буюраман:**



www.lex.uz

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2007 йил 23 июлдаги 118-сон «Пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари ҳамда пенсионерлар йиғмажилдини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1710, 2007 йил 3 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 35-36-сон, 368-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Вазир** **А. ХАИТОВ**

Тошкент ш.,
2011 йил 20 октябрь,
64-сон